



Қисқача Қирғизистонда тарих ва хотира

Плюрализм глобал маркази

Апрель 2015

Ўтмишнинг қандай талқин қилиниши ва хотирланиши бирор миллатни ва унга ким аъзо бўла олишини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Мазкур изланиш Қирғизистонда тарих ва хотира қандай шаклланишини ўрганиб чиқади ва мунозарали тарихий баёнлар бугунги кунда мамлакатда плюрализмга эришиш истиқболига қандай таъсир этаётганини кўрсатади.

Тарих ва хотира нима учун муҳим?

Кўп жамиятда миллат этник ўзгачаликлардан ҳамда тарихий иддаолардан келиб чиқади. Плюралист жамиятларда бўлса одамлар ўртасидаги ҳар хилликка йўл очиб бериш учун миллат тушунчаси этник ва маданий белгилардан ажратилади.

Плюрализм глобал марказининг плюрализмни “юрғизувчи кучлар” концепциясида (2-саҳифадаги маълумот қутисига қаранг) плюрализм истиқболига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишда тарих ва хотира муҳим роль ўйнайди. Тарих ва хотира баъзан аралаш, баъзан бир-бири билан рақобатда бўлса-да, Плюрализм глобал маркази уларни икки алоҳида тушунча сифатида кўради: тарихмавжуд далиллар ўтмиш ҳақида нималарни ҳикоя қилишидир; хотира бўлса одамлар ўтмишда жамоа сифатида ўз бошидан кечирган воқеаларга берадиган маънолар тўпламидир. Хотиралар эшитилган баён ва афсоналар ёрдамида шаклланади. Айрим ҳолларда бу баёнлар турли-туманликка бўлган ҳурматни оширади, бошқа ҳолларда бўлса хотира ихтилофларни чуқурлаштириши ва ижтимоий ажратишларни янада ёмонлаштириши мумкин. Жамиятда тарих ва хотира ўртасидаги ўзаро боғланишларни тушуниш плюрализмга олиб борувчи йўлларни аниқлаш учун муҳим бўлган илк қадамларнинг биридир.

Бу мухтасарда доктор Жефф Саҳадео қаламига мансуб “Тарих ва хотира: Қирғизистон ва Фарғона водийсида плюрализмнинг аҳамияти” деб номланувчи илмий мақоланинг қисқача мазмуни берилган. Мақола Плюрализм глобал маркази буюртмасига биноан ёзилди. Унда тарихий баёнлар Қирғизистонда миллий ўзликни қай йўсинда

шакллантиргани ва ўзгартиргани ҳамда ҳозирги кунда ҳар хиллик ва фуқаролик тушунчаларига қандай таъсир қилаётгани ўрганилади. Мақолада яна ўзликни кенгроқ англаш учун асос ҳамда миллат шакллантириш учун янгича замин тақдим қилинади. Доктор Саҳадео мақоласининг тўлиқ версияси pluralism.ca сайтида берилган.

Қирғизистон мисолида тарих ва хотирани ўрганиш

Тарих ва хотира Қирғизистонда плюрализмни илгари суришда дуч келинадиган муаммоларни ойдинлаштиради. Аммо мазкур “плюрализм юрғизувчиси”дан, яъни тарих ва хотирадан ўзгаришлар учун асос сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Мамлакатдаги миллий низо илдизларини ҳамда плюрализмга олиб борувчи йўллارни тушуниш учун Қирғизистоннинг яқин тарихида, хусусан, совет даврида миллат онгли равишда давлатчилик учун асос сифатида шакллантирилганини англаб етиш жуда муҳимдир. “Давлат” ва “миллат” ўртасидаги боғланишлар совет тузумидан кейинги сиёсатда ҳамтарғиб қилиб келинмоқда. Бу бўлса ҳам йирик, ҳам майда халқларни хавфдан сақланиш ҳамда ҳурматга сазовор бўлиш учун миллий мансубликни асос қилиб олишга мажбурламоқда.

Хилма-хиллик, бўлиниш ва бирлаштирувчи келажакка умид

Собиқ совет мамлакати бўлмиш Қирғизистон бугунги кунда турли-туман аъзоли ва бўлинган жамиятга эга. Бу жамият йирик ва майда миллатларнинг қўрқув ва даъволарини муросага келтиришга ҳаракат қилмоқда. Авторитар тузумлар кенг тарқалган ҳудудда жойлашган Қирғизистон 1991 йил мустақилликка эришганидан кейин демократик ислохотлар йўлида катта қадамлар ташлади. 2010 йилдаги қонли миллий тўқнашувлардан кейин ҳокимиятга келган муваффақ президентлик давомида мамлакат либерал демократик конституция қабул қилди. 2011 йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган сайловдан кейин бўлса мамлакат тарихида илк маротаба тинч равишда президент алмашди. Аммо Қирғизистонда миллатчилик ўсиб бормоқда. Бу бўлса тинчлик ва равнақ умидларига таҳдид солади.

Плюрализмни юрғизувчи кучлар

Турли аъзоларга эга жамиятларда киритиш ва киритмаслик манбалари

Тирикчилик ҳамда моддий фаровонлик

Фуқароларнинг (ҳам эркак, ҳам аёл) ҳукумат ресурсларидан одилона фойдалана олиши, иқтисодий хавфсизлик ва фаровонликка эришиш учун бозорда иштирок эта олиши

Қонун ва сиёсат

Турли-туманликнинг таркибий (қадриятлар, қонунлар, сиёсатлар, дастурлар) ҳамда жараён (муассасавий механизмлар) жиҳатдан бошқарилиши

Фуқаролар ва фуқаролик жамияти

Умумий фуқаровий ўзлик асослари ҳамда фуқаролик жамиятининг турли-туманликни бошқаришдаги роли (яъни, фуқаролар, ташкилотлар, институтлар, диний муассасалар, бизнес, матбуот, илмий ҳамжамият)

Таълим ва маданият

Фарқ ва ҳар хилликка бериладиган ижтимоий/маданий маънолар ва уларнинг расмий ва норасмий тарбия ҳамда бошқа йўллар билан авлоддан-авлодга ўтиши

Тарих ва хотира

Жамиятда одат бўйича тарихнинг қандай ўрганилиши ҳамда умумий хотира ҳамда муросага келиш усулларининг ҳамжиҳат фуқароликка эришиш йўллари сифатидаги роли

Ҳудудий таъсирлар

Қўшниларнинг таъсири, трансмиллий ўзлик, ернинг (шаҳар, қишлоқ) ҳар хилликни бошқаришга бўлган таъсири ҳамда турли аъзоларга эга жамиятларда кўп маданиятли шаҳарларнинг роли



Кўп миллатли Қирғизистон Тожикистон ҳамда анча катта бўлган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Хитой давлатлари билан чегарадошдир

майда миллатлар бор. Уларнинг айримлари, масалан қозоқлар, татарлар, тожиклар бу ерларда бир неча минг йилдан бери яшаб келади.

Совет Иттифоқи парчаланиб кетганидан бери этник қирғизлар ва энг катта этник озчилик бўлмиш ўзбеклар Қирғизистон аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилиб келади. Миллатлараро низоларни бошидан кечирган Қирғизистон бугунги кунда мамлакат қуришининг тинч ва барчани ўзи ичига оладиган палласига ўтишга интилмоқда.

Совет даври: миллатнинг оила ва қабиладан устун қўйилиши

Саҳадео айтиб ўтганидек, “қирғиз” ва “Қирғизистон” атамалари вақт ўтиши билан шаклланган. XIX асрда русларнинг Фарғона водийсини босиб олиши миллатлар ўртасида ўрнатилган алоқаларни узган. 1920 йилларда Совет Иттифоқи Ўрта Осиё мамлакатлари чегараларини мустаҳкамлаганидан кейин миллат ва ўзлик ҳақидаги тарихий баёнларянада кўпроқ ўзгарди. Қирғизистоннинг расмий сиёсий бирлик сифатида шаклланишида ҳамда қирғизлар, ўзбеклар ва бошқа гуруҳлар орасида бошқалардан ажралиб туриш ҳисси туғилишида совет ҳокимияти муҳим роль ўйнади.

1936 йилда Қирғизистон Совет Социалистик Республикасига айланган ер тоғли шимолий хууд билан жанубий суғориладиган ерлардан иборат эди. Жанубда

Ўтган асрда совет ҳукми даврида Ўрта Осиёнинг бошқа республиклари билан бир қаторда ҳозирги Қирғизистон чегаралари белгиланган ва унинг мамлакат сифатида шаклланиши кўллаб-қувватланган. Худудда тарихга асосланган мамлакат қуриш стратегиялари айрим гуруҳларга давлат қурувчи халқ бўлиш имтиёзини берувчи этник белгиларни келтириб чиқарди. Қирғизистонда бу ролни этник қирғизлар ўйнаб келяпти.

Бугунги кунда аҳолининг деярли тўртдан уч қисми ўзини этник қирғиз деб билади. Ўзбеклар бўлса иккинчи энг йирик гуруҳдир. Совет даври якунида аҳолининг бешдан бир қисмини ташкил этган руслар ҳозирги кунда аҳолининг тахминан 7 фоизини ташкил қилади. Бу йирик гуруҳлардан ташқари, Қирғизистонда 20 дан ошиқ

“Қирғизистоннинг расмий сиёсий бирлик сифатида шаклланишида ҳамда қирғизлар, ўзбеклар ва бошқа гуруҳлар орасида бошқалардан ажралиб туриш ҳисси туғилишида совет ҳокимияти муҳим роль ўйнади.”

Ўтроқ халқлар яшар эди, серҳосил Фарғона водийсида шаҳарлар кўп эди. Советлар “ўзбек” ва “қирғиз” халқларини фарқлашда асосан иқтисодий фаолиятга қарадилар: ўзбеклар фермерлик қилар ва шаҳарларда яшар эди, қирғизлар бўлса чорвачилик билан шуғулланар эди. Бу бўлиш ҳам фермерлик, ҳам чорвачилик билан шуғулланган ва ярим ўтроқ ҳолда яшаган оилаларни эътиборга олмади. Асрлар давомида оила, қишлоқ, уруғ-аймоқ ёки динни асос қилиб ўзини у ёки бу гуруҳнинг аъзоси сифатида кўриб келган халқлар янги белги бўйича гуруҳларга бўлинишга мажбур бўлди.

Вақт ўтиши билан раҳбарлар, зиёлилар, ўқитувчилар ва бошқалар Ўрта Осиё халқлари орасида миллат ҳиссини уйғотди. Тил, маданият, кийим-кечак, озиқ-овқат, адабиёт ва тарихга асосланган фарқлар жорий қилинди. Стандарлаштирилган эзма миллий тиллар ишлаб чиқилди. Этнографлар “миллий” қарашларни ва одатларни аниқлаш учун ҳудудни кезиб чиқди. 1930 йилларнинг ўрталарида алоҳида миллатларнинг хусусиятларини расмийлаштиришда ва бу хусусиятларни давлатчиликка асос қилиб олишда большевиклар этник гуруҳлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатишга ҳам чақирган. Бу нарса “халқлар дўстлиги” шиорида ўз аксини топган. Ташкил этувчи принцип вазифасини энди синф эмас, балки миллат ўтаган, руслар бўлса “тўнғич ака” сифатида кўрилган.

Совет давридан кейинги қирғиз миллати ҳамда давлатнинг шаклланиши

Замонавий Қирғизистоннинг шаклланиши Совет Иттифоқи парчаланиши биланоқ бошланди. Совет даврида ҳокимиятга келган элиталар этник мансубликни асос қилиб олиб, ўз мартабасини ошириш ниятида тарих ва хотирани ўзгартиришга уринди. Совет даврида расмийлаштирилган миллий мансублик мустақилликка эришган мамлакатлар учун асос бўлди.

Мустақил Қирғиз Республикасининг илк бор сайланган президенти Асқар Ақаев ўзининг 15 йиллик президентлиги давомида янги давлат тузумини қуриш йўлида миллий ва умумий тарих ва хотира яратилишига етакчилик қилди. Қирғиз тарихчилари ўз халқларининг илдизларини иложи борича чуқур қилиб кўрсатиш учун янги манбаларни изладилар. Бундан мақсад ҳудудий даъволарни кучайтириш эди. Совет давридаги манбаларда қирғиз қабилалари XIII асрда Сибирдан Тяньшан тоғларига келгани ёзилган бўлса, мустақил Қирғизистон тарихчилари хитой манбаларидан фойдаланиб қирғизлар эраמידан аввалги II асрда вужудга келган бўлиши мумкинлигини айтишди. 2003 йилда Асқар Ақаев “қирғиз давлатчилигининг 2200 йиллиги”ни эълон қилганидан кейин бу тарихий қарашлар сиёсатга ҳам кириб келди. Бу баён ҳозирги кунда барча тарихий қўлланмаларга киритилган.

Плюрализм

Плюрализм одамлар орасидаги фарқларни ҳурмат қилиш ахлоқидир. Бу ҳурмат фуқароларнинг ажратилмаслигида намоён бўлади. Плюралистик жамиятларда ҳар бир шахс қадрланади ва давлатнинг тенг бир “ташкилий қисми” ҳисобланади. Плюрализмга эришиш учун одатда фуқароликка ҳамда миллатга бўлган қарашларни кенгайтириш талаб қилинади – ҳам амалда, ҳам қонунларда. Фуқаролик жамиятлари ҳамда ҳукумат ҳамкорлик қилиши ва ҳар бири ташаббус кўрсатиши керак.

“Манас” афсонасининг юксалтирилиши



Бишкекнинг асосий майдонида, тарихий музей қаршисида ўрнатилган Манас ҳайкали

Қирғиз миллатчилиги “Манас” тарихий эпосининг кўкларга кўтарилиши орқали янада мустаҳкамланди. “Манас” қирғиз жамиятида Гомер афсоналаридек олқишланади. Афсонага асосланган замонавий баёнларда қирғизлар Қирғизистон давлатини қурувчи халқ сифатида тасвирланади. Тарихнинг бундан баён қилинишибу ерларда азалдан яшаб келаётган этник озчиликларнинг борлигини озайтириб кўрсатади ёки умуман эътиборга олмайди ҳамда миллатчи даъволарни алангалатади.

Оғзаки баёнларда Манаснинг келиб чиқиши ўзгариб турса-да, афсонавий қаҳрамон бугунги кунда XVI-XVII асрларда ватанга қайта асос солган сиймо сифатида кўрилмоқда. Аввал эпосни турлича талқин қилишган. Совет тузуми якунидан кейин қаҳрамонни улуғлашга қаратилган ҳаракатлар миллатни асос қилиб олмаган. Бир талқинда Манас уйғур шаҳзодага турмушга чиққан тожик маликаси ўғли деб кўрилган, бу бўлса кўп миллатли Қирғизистон учун кучли рамз бўлиши мумкинлиги айtilган эди. 1990 йиллар охирига келиб “Манас” қирғизларни танланган халқ сифатида тасвирлай бошлади. Ақаев ва бошқа

амалдорлар “Манас”ни нафақат буюк тарих тимсоли, балки янги қирғиз халқи учун маданият ва ахлоқ машъали сифатида кўра бошлади.

Умумий хотира ҳамда кечинмаларнинг альтернатив негизини топиш

Тарих Қирғизистон учун альтернатив имкониятлар борлигини кўрсатади. Саҳадео мақоласида мамлакатчилик учун турли гуруҳларни бирлаштирувчи асос бўла оладиган тарихий воқеалар ҳамда талқинлар келтирилади.

Қирғизистон ҳамда Фарғона водийси бир неча минг йилдан бери турли халқларнинг учрашув нуқтаси бўлиб келади. Эраמידан аввалги 2000 йилларда ҳинд-эрон халқлари маҳаллий аҳоли билан аралашганидан бери бу ерларда ҳукмдор жуда кўп алмашган. Жанубий Қирғизистон ҳамда Фарғонда водийси III асрда тарихий Буюк ипак йўлининг бир қисми ўлароқ шаклланган. Шимолдан келган туркий қабилалар VI асрда Ўрта Осиёга юриш қилган. Улардан кейин

“Плюралистик жамиятлар тарихий тасодиф эмас. Улар ҳукуматда тартиб, кучли фуқаролик институтлари ҳамда ҳар хилликни илгари сурувчи давлат сиёсатларини яратишга қаратилган қарор ва ҳаракатларнинг натижасидир.”

худудга араблар келган ва ҳозирги Қирғизистон ғарбига мос келувчи ерларда ҳукм сурган. Араблар билан Ўрта Осиёга Ислом дини ҳам келган.

Қирғизлар билан ўзбеклар яна умумий аجدодларга эга: иккала халқ ҳам ўз илдизлари Чингизхон ҳамда унинг босқинчиларига бориб тақалишини айтади. Чингизхон Ўрта Осиёга 1219-20 йилларда келган. Қирғизлар чорвачилик билан шуғуллана бошлаган, ўзбеклар бўлса Фарғона водийсида шаҳар ва қишлоқларда яшаган. Икки халқ ўртасидаги савдо ҳар бирини керакли маҳсулотлар билан таъминлаган. Иккала гуруҳнинг Исломни қабул қилиши улар орасидаги яна бир ўхшашликдир. Аммо динга амал қилишда икки халқ орасида фарқлар бор.

Совет давридаги “халқлар дўстлиги” сиёсатининг асоратларини жанубий Қирғизистонда ҳамон кузатиш мумкин. Мамлакатда ўзбеклар ва қирғизлар бир-бирининг тилини тушунади ва кундалик ҳаётда осонликча алоқа қилади. Бунга икки халқнинг бошқа-бошқа соҳаларда фаолият юритиши ҳалақит бермайди. Ўзбеклар асосан тижорат ва фермерлик билан шуғулланади, қирғизлар бўлса давлат бошқарувида устуворлик қилади. Икки халқнинг бир-бирини тўлиқловчи соҳаларда фаолият юритиши қирғизларга давлат тузувчи халқ бўлиш имтиёзини берса-да, бу бўлиниш миллий мансубликни кенгроқ англашни муҳокама қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Келажакка назар: тарих ва хотирадан плюрализм учун асос сифатида фойдаланиш

Қирғизистонда плюрализм учун пойдеворни мустаҳкамлаш ҳали ҳам давом этаётган, кўпчилик бирлашиб иштирок этиши лозим жараён. Унга эришиш учун турли соҳалардаги муассасалар йирик ва майда этник гуруҳларнинг қарама-қарши хотираларини ҳамда тарихий баёнларини қайта кўриб чиқиш ва мувофиқлаштириш учун ҳар бир имкониятдан фойдаланиши керак бўлади.

Ҳукумат ўзининг миллий бирдамлик ҳақидаги 2012 йилги мақоласи билан шу йўналишда қадам ташлади. Бошқа бир неча чора билан бир қаторда, бу ҳужжатда маданий хилма-хилликни ўрсатишда музейларнинг муҳимлиги таъкидланди. Ҳукуматнинг маҳаллий ва чет эл олимларининг биргаликда изланишлар олиб боришига ҳамда мулоқот қилишига очиққўнгиллик билан қараш тарих ва хотиранинг плюрализм учун асос бўлишига имкон яратади.

Саҳадео Қирғизистоннинг миллий, колониал ҳамда пост-совет контекстида плюрализмни илгари суриш учун турли бошланғич нуқталарни ўртага ташлайди. Муаллиф мулоқотга изланишлар учун икки йўналишни таклиф қилади:

- Қирғизистон халқларининг умумий ўтмиши, тарихи ва хотирасига урғу берувчи тарихий маълумотларни кўриб чиқиш. Бунда кенг тарқалган хотиралар билан чекланмасдан, этник озчиликларнинг қарашлари билан ҳамоҳанг қарама-қарши маълумотларни топиш ва уларни тарқатиш лозим;
- Қирғизистонликлар этник стереотипларни ҳамда элақдан ўтган тарихий фактларни қандай ўзлаштирганини англаб етиш ва муҳокама қилиш.

Ташқаридан туриб яратилган ўзлик ҳамда давлат тизимлари келтириб чиқарган миллатлараро зўравонликни бошидан кечирган бошқа жамиятлардан Қирғизистин кўп нарса ўрганиши мумкин. Қирғизистон демократик ривожланишни мустаҳкамлар ҳамда плюрализм томон йўл очар экан, Осиё ва Африкадаги собиқ мустамлакалар ҳамда собиқ коммунистик дунё бошидан кечирганлари мамлакат учун муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Қирғизистон мисолида кўриб турганимиздек, мамлакат қуриш жараёни ва айрим гуруҳларнинг мамлакат қурилиши тарихи баёнларидан чиқариб ташланиши умумий миллий фуқаролик шахсиятини ривожлантиришга қаратилган ҳаракатларни мушкуллаштирди. Шундай бўлса-да, Қирғизистондаги ўзбеклар ва қирғизларда

умумий кечинмалар ва қадриятлар бор. Уларни янада ўстириш ўзаро ҳурматга асосланган келажак сари етаклаши мумкин. Кундалик ҳаётда “халқлар дўстлиги”ни ҳали ҳам қўллашади. Амалда бу “дўстлик” кўп миллатли оилалар, тил ва билим ҳуқуқлари ҳамда кундалик муомалалар мисолида гавдаланади. Аммо буларнинг барчаси ҳозирги Қирғизистонда таранг аҳволда. Иккала гуруҳ ҳам ёрқинўтмишни эслайди ва ёдида тутлади, иккаласи ҳам лидерлик, ор-номус, меҳмондўстлик ҳамда яхшилик каби ҳислатларни олқишлайди. Мавжуд манбалар билан ҳис-туйғуга берилмасдан танишиб чиқиш Қирғизистон жамиятига плюралистик назар билан қараш мумкинлигини кўрсатади.

Плюралистик жамиятлар тарихий тасодиф эмас. Улар ҳукуматда тартиб, кучли фуқаролик институтлари ҳамда ҳар хилликни илгари сурувчи давлат сиёсатларини яратишга қаратилган қарор ва ҳаракатларнинг натижасидир. Қирғизистон жамиятида плюрализмни илгари сурувчи илғорлар бўлса-да, ялпи фуқаролик, умумийлик ҳамда уюшқоқликка урғу берувчи самарали контр-баёнлар мавжуд эмас. Бундай ҳикояларни тиклаш ва улардан ўзгаришларга етакчилик қилаётган лидерларнинг Қирғизистонда плюрализмни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатларида фойдаланиш керак. Миллий давлат тузишнинг альтернатив асослари бўйича мулоқотни рағбатлантиришдан ташқари, миллий озчиликларнинг тарих ва хотира бўйича қарашларини ҳужжатлаштириш ва ёйинлаш мумкин. Бу нарса нафақат илмий доираларда, балки билим тизимида ҳамда миллатнинг фуқаролик маданиятини “институтлаштирувчи” бошқа соҳаларда ҳам амалга оширилиши керак.

Плюрализм глобал маркази халқаро изланиш ва таълим маркази бўлиб, унга Ага Хан олий ҳазратлари ҳамда Канада ҳукумати асос солган. Марказнинг мақсади одамларнинг турли-туманлигига бўлган ҳурматни янгича глобал этика сифатида илгари суришдир. Марказга Канададаги плюрализм илҳом бағишлаган. Канада мисоли инсонлар орасидаги хилма-хиллик қадрланса ҳамда муваффақиятли жамиятлар учун асос сифатида тан олинса, ҳукуматлар ҳамда фуқаролик жамияти нималарга эришиши мумкинлигини кўрсатади.
